МУСОБАҚА ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ

Урганчдаги "Ёшлик" спорт мажмуасида тиббиёт ходимлари ўртасида "Ассалом тонг" соғломлаштириш машқлари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги кубогининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мақсад давлатимиз рахбарининг 2020 йил 30 октябрда қабул қилинган "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлашдир. "Ассалом тонг" соғломлаштириш машқлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши мутахассислар томонидан исботланган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Ўзбек жанг санъати" федерацияси билан хамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақа натижаларига кўра вилоят перинатал маркази жамоаси биринчи, Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси иккинчи, Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси учини ўринни қўлга киритди. Голиблар кубок ва дипломлар билан тақдирланди.

Қутлов

Муҳтарама Зубайда САЪДУЛЛАЕВА!

Сизни қўшалоқ айём – туғилган кунингиз ҳамда Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз. Узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Эл-юрт саломатлиги йўлидаги шарафли, аммо масъулиятли ишингизда асло чарчаманг! Фарзандларингиз камолини кўриш насиб этсин.

Сизга ҳурмат билан:
Янгиариқ тумани санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги ҳизмати бўлими жамоаси.

ЭЪЛОН

"BUILD SALE GROUP" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога "Хоразмкафоатсавдо" акциядорлик жамияти балансидаги Гурлан тумани, "Сахтиён" қишлоғи, Чаккалар маҳалласида жойлашган кундалик эҳтиёж моллари дўкони қўйилмоқда. Дўкон биносининг бошланғич баҳоси 90 728 000 (тўқсон миллион етти юз йигирма саккиз минг) сўм.

Аукцион савдоси 2022 йил 18 апрель куни соат 11:00 да Урганч шаҳри, П.Махмуд кўчаси, 2а 50-уйда бўлиб ўтади.

Хоҳлаган юридик ва жисмоний шахслар савдода қатнашиш учун ушбу манзилга келган ҳолда 15 фоиз закалат пулини тўлаб, ариза топширишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: 99 969 38 77

Лицензия рақами RR-0279

Биласизми?

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҚАЧОН БОШЛАНГАН?

Ҳар бир воқеликнинг тарихий келиб чиқиш жараёни бўлгани каби, аҳолини рўйхатга олиш ҳам, мақсади ва моҳияти замонага қараб турлича бўлса-да, ўзининг узоқ тарихига эга. Илк бор эрамиздан аввалги 3800 йилларда бобилликлар томонидан 6 ёки 7 йилда ўтказилган бундай тадбирларда аҳоли ва чорва сони, мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ҳисобга олингани ҳақида тарихий манбаларда айрим маълумотлар сақланиб қолган.

Аҳолини мунтазам рўйхатга олиш тарихи эса 1790 йилга бориб тақалади. Ўшанда АҚШда, 1801 йилда эса бир вақтнинг ўзида Англия, Шотландия, Франция, Дания ва Норвегияда шундай тадбирлар ўтказилган.Бироқ улар ҳали мукаммал бўлмагани ҳолда, узоқ вақт давомида аниқ бир вақтга боғлиқ бўлмаган, белгиланган қоидаларга амал қилинмаган тарзда олиб борилган.

1846 йилда йирик статистик олим Адольф Кетл (1796-1874) бошчилигида Бельгияда ўтказилган рўйхатга олиш биринчи чинакам илмий рўйхатга олиш дея эътироф этилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, рўйхатга олиш муддати бир кунлик бўлиб, ҳақиқатда мавжуд аҳоли ҳисобга олинган. Мазкур рўйхатга олиш тажрибасидан кейинчалик, Европанинг кўплаб давлатлари фойдаланган.1870-1879 йилларда дунё бўйича атиги 48 та давлатда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган бўлса, XX аср охирига келиб, деярли барча давлатлар ўз аҳолисини рўйхатга олишга киришди.

Бугунги кунда БМТ дунё мамлакатларини ҳар 10 йилда камида бир маротаба ўз аҳолисини рўйхатга олишга даъват этади. Шу важдан, аксарият мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ҳар 10 йилда бир маротаба ўтказилади. Хўш, нега айнан 10 йилда бир марта? Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Аввало, 10 йил ичида жамиятда салмоқли ўзгаришлар рўй беради. Аввалги рўйхатга олиш усуллари самарадорлиги сезиларли даражада камайиши сабабли, сўровномалар мазмунига тузатишлар, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш усулларига замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади.

Ш.ДАВЛАТОВ,
Урганч шаҳар статистика бўлими бош мутахассиси.

Лойиҳа доирасида

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Хоразм вилояти ҳудудий филиалининг кексалар, ногиронлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва мурувват кўрсатишда давлат органларига кўмаклашиш бўйича "Меҳр ва мурувватдан ҳеч ким четда қолмайди" номли лойиҳаси Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларининг маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот лойиҳаларига давлат грантлари ажратиш учун кўшимча бешинчи танлови ғолиби бўлган эди.

Айни пайтда лойиҳа доирасида қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 8 март-Халқаро хотин кизлар куни ва Наврўз байрамлари арафасида вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда жами 115 нафар аҳолидан мамзилли хабар олиниб, зарур буюмлар ва 7 турдаги озиқ- овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Юлдуз МЕҲМОНОВА,
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят филиали директори.

Камқувватликни қандай енгиш мумкин?

Халқимиз орзикиб кутган гўзал баҳор оламга ўз сепини ёйиб, қалбимизга жўшкинлик кириб келди. Бироқ, танимизда баъзан чарчоқни ҳис этамиз. Сабаби, организмга зарур витаминлар ва минерал моддалар етишмаслиги сабабли кўпчиликда авитаминоз кузатилади.

Витаминлар етишмаслиги танамизнинг тури аъзоларига таъсир кўрсатади. Айтайлик, А витамини етишмаслиги оқибатида кўзнинг кўриш қуввати пасаяди. Тери қуруқлашиб, унда майда тошмалар пайдо бўлади. Соч тўкилиб, тирноқлар мўртлашиб, синади.

В1 витамини етишмаса, асаб тизими чарчайди, кишида толиқиш кузатилади. Одам жиззаки бўлиб қолади. В2 витамини етишмаслиги ҳолсизликка олиб келади. Кўз оғрийди, қизаради. Лаб четида ёриқлар пайдо бўлади. В6 витамини етишмаса тил яллиғланади. Болаларда томир тортишиши ва камқонлик кузатилади.

Милкингиз қонаётган бўлса, С витамини етишмаслигидан дарақдир. Бу витамин етарли бўлмаса, терига кичик жарохат етса ҳам кўкариши кузатилади.

Д витамини етишмаса болаларда рахит касаллигига сабаб бўлади. Катта ёшли кишиларда эса остеопороз касаллиги ривожланиб, суяклар тез синадиган бўлиб қолади. РР витамини етишмаса баъзи асаб касалликлари кўзғалади.

Хўш, айни баҳорда бу витаминлар етишмаслигининг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Шифокорлар аввало таомномага ўзгартиришлар киритишни тавсия қиладилар. Айтайлик, исмалоқ А, В1, В2, В5, В6, В9, С, Е, Н, РР, К витаминлари, темир, кальций, магний, натрий ва фосфор, аминокислоталар ва эфир мойига эга. Кўк пиёз таркибида эса ушбу витаминлар илан бирга, мис, селен, рухни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Ялпиз А, С витаминлари гуруҳи и В9 витамини, темир, калий, кальций, магний, марганец, мис, натрий, рух, фосфор каби

микро ва макроэлементларга бой. Петрушка, сельдер, райхон, укроп витамин ва минералларнинг кони. Ушбу кўкатлар кундалик таомномамиздан жой олиши мақсадга мувофиқ. Улардан турли овқатлар, салатлар тайёрлаш, шарбатларга қўшиш мумкин. "Тухум барак", "Ушоқ барак", "Шивит оши" каби Хоразм таомлари ҳам дармондориларга бой бўлиб, бахорда истеъмол қилиш орқали витаминлар етишмовчилигининг олдини олишга хизмат қилади.

Албатта бахор таомлари ичида энг суюклиси сумалакдир. Сумалакда шакар моддаси, оқсил, фойдали жавҳарлар (кислота), дармондорилар мўл бўлади. Сумалак гипертония, гепатит, буйрак, меъда-ичак хасталикларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилад, меъда-ичак фаолиятини меъёрга келтиради, асабни тинчлантиради, яхши ухлатади. Сумалак айниқса С ва Е дармондориларига бой.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бахор жисмонан фаол бўлиш, турли спорт машғулотлари билан шуғулланиш учун қулай фасл. Тоза ҳавода ўнўн беш дақиқа машқ бажариш, 20-30 дақиқа пиёда сайр қилиш ёки 10-15 дақиқа югуриш танага куч-қувват бағишлайди.

Кубора СУЛТОНМУРОТОВА,
Раъно ТЎРАЕВА,
Абу Али ибн Сино номидаги Урганч жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчилари

XORAZM TIBBIYOTI
МЕДИЦИНА ХОРЕЗМА
МУАССИС:
Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят врачлар ассоциацияси, вилоят ҳамширалар ассоциацияси

ИЖРОЧИ МУХАРРИР: Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

Навбатчи: Назокат ЖУМАБОЕВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иноят Ҳажиев,
Санъат Салаев,
Содиқжон Содиков,
Кўпалбой Тангрибердиев
Светлана Полвонова,
Зоя Шукурова,
Дилбар Бекжонова,
Фарҳод Якубов

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Урганч шаҳри, Гафур Ғулом кўчаси, 16-уй, Телефон: 62 223-27-53
эл.манзил:xorazmtibbiyoti@inbox.uz
Газета ойда бир марта чиқади.
Буюртма № 424
Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 8 ноябрда 13-038 рақам билан рўйхатга олинган.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета «Урганч Мастер сервис» хусусий корхонаси босмахонасида сахифаланди ва чоп этилди. Урганч шаҳри, Хива кўчаси 106/1 уй145. ТЕЛ: 62 229-35-55.
Босмага топшириш вакти 18.00 Топширилди 17:30.
Нашр кўрсаткичи: 8042 Нусхаси: 1800

ISSN 2181-5046
Tezkor Matbaa

Соғлиқ - табиатдан, Ҳаёт - Аллодан, сақлаш инсониятдан!

XORAZM TIBBIYOTI
МЕДИЦИНА ХОРЕЗМА

Газета 2010 йил июль ойидан чиқа бошлаган. 2022 йил, март 3(141) /// Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари газетаси /// www.xorazmtibbiyoti.uz

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ВА ҚАДРЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Бу тадбирга узоқ тайёргарлик кўрилиб, ҳам шифокорлар, ҳам беморларнинг фикрлари сўралган эди.

Жами 25 мингдан зиёд мурожаатлар қабул қилинди. Уларнинг 8 мингдан кўпи шахсий бўлиб, жойида ҳал этилмоқда. 17 мингтаси эса тизимга оид масалалардир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уларни умумлаштириб, 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. **Биринчи йўналиш** - бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, **иккинчиси** - тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, **учинчиси** - тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, **тўртинчиси** - соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, **бешинчиси** - шифохоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш, **олтинчиси** - жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш, **еттинчиси** - касалликларнинг олдини олишга қаратилган.

Президент бу йўналишларнинг хар бирига атрофлича тўхталиб, яни ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, 2 мингдан зиёд олис маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этилади. "Қишлоқ шифокори" дастури янада такомиллаштирилиб, чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг ойлик иш ҳақига 2 миллион сўмдан қўшимча устама тўланади, уй-жой сотиб олишига кўмаклашилади. Бундай жойларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокор клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилинади. Нафақага чиққан тажрибали шифокорларга ўз уйида ёки ижара бинода даволашига рухсат берилади.

Иккинчи йўналишга асосан, тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, уларни аҳолига янада яқинлаштириш учун алохида дастур қабул қилинади. Энг аввало, "103" тез тиббий ёрдам хизмати республика, вилоят, шахар ва туман даражасида ягона бошқарув тизимига бирлаштирилади. Тез ёрдам туман ёки вилоят чегарасига қараб эмас, балки беморгача масофанинг яқинлигига қараб хизмат кўрсатади. 2022-2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилади.

Сўнгги беш йилда 2 минга яқин тиббиёт муассасаси қурилиб, таъмирланди. Бу ишлар давом эттирилиб, 1 минг 100 та шифо масканидаги шароитлар яхшиланади. Бирламчи бўғиндан бошлаб, тиббиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш бўйича дастур қабул қилинади. Икки йил ичида барча тиббиёт муассасалари янги компьютерлар билан жихозланади. Қоғозбозлик қисқартирилиб, замонавий услуб ва ускуналарда ишлашга ўтилади.

Тўртинчи йўналишда тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Жорий йил 1 июндан тиббиёт ходимларининг ойлик маоши малака тоифасига қараб 15 фоизгача оширилади. Юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга эса яна 25 фоиз миқдорида устама тўланади. Барча тиббиёт ходимлари учун дастлабки ва даврий касбий тиббий кўрик бепул ўтказилади.

Соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам долзарб масалалардан. Тизимдаги шифокорларнинг 45 фоизи, хамшираларнинг эса 40 фоизи малака тоифасига эга эмас. Кўп муассасаларда мутахассис етишмайди.

Шу боис 2022-2023 ўқув йилидан тиббиёт олий-гохларига давлат грантлари асосида қабул квоталари ҳудудларда шифокорларга бўлган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, мақсадли ошириб борилади. Тиббиёт олийгохларида олти ойлик ихтисослашган курслар ташкил этилиб, оилавий шифокорларни ҳудудларда зарур мутахассислик бўйича мақсадли ўқитиш йўлга қўйилади. Барча тиббиёт коллежлари ва техникумлари олий таълим муассасаларига бириктирилади.

Олтинчи йўналиш жамиятда соғлом турмуш маданиятини оширишга қаратилган.

Жорий йилдан бошлаб, тиббий бригада, оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар иш самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими жорий қилиниши айтилди. Ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари мукофотланади. "Халқ саломатлиги посбони" кўкрак нишони таъсис этилади.

Еттинчи йўналишда касалликларнинг олдини олиш вазифалари кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда тиббиёт тизими "маблағни бевосита беморга сарфлаш" тамойили асосида молиялаштирилиши белгиланди. Тиббий суғурта тизими йил якунига қадар Сирдарё вилоятида, келгуси йилларда барча ҳудудларда йўлга қўйилади. Тиббиёт соҳасида ягона тиббий маълумотлар базаси яратилиб, тиббий-иқтисодий, статистик ва аналитик таҳлилларни ўтказиш имконини берадиган миллий тизим жорий этилади.

Президентимиз маърузасида айтилган ҳар бир вазифа бўйича аниқ молиявий манбалар, техник ечимлар ва амалий механизмлар белгиланди.

Манба: uza.uz

НАВРЎЗ МУБОРАК!

Азиз юртдошлар!
Қадрли тиббиёт ходимлари!

Барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл – баҳорнинг бетакрор байрами НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этамиз!

Мана шундай қутлуғ айём кунларида Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Юртимизни, кўнглимизни, хонадонимизни баҳорий кайфият ҳеч ҳачон тарк этмасин!

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси

Миллат келажагига ғамхўрлик

2022 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишлари янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони имзоланди. Фармонда хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда миллат саломатлиги масаласи давлатимиз рахбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бунинг натижасида соҳага қаратилган янги технологиялар, янги даволаш услублари жорий қилинди. Хасталикларнинг олдини олиш мақсадида профилактика тадбирлари кучайтирилди.

Миллат саломатлигини мустаҳкамлашда аёллар соғлиғига эътиборнинг аҳамияти катта. Зеро, соғлом аёл соғлом насларни дунёга келтиради.

Она-бола соғлиғига эътибор самараларини вилоят перинатал марказида яратилган шароитлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хабарингиз бор, 2022 йил остонасида марказимиз ўз фаолиятини бутунлай янгиланган бинода ва шароитларда давом қилдириш имконига эга бўлди.

Янги бинода тиббий ходимлар малакасини доимий узлуксиз равишда ошириши учун барча шароитларга эга ўқув маркази бунёд этилгани айни муддао бўлди.

Марказ поликлиника бўлимига мурожаат қилган аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида энг сўнгги русумдаги УТТ аппаратлари билан таъминланди.

Лаборатория фаолиятини яхшилаш мақсадида янги қон таҳлили анализатори келтирилди ва қўшимча 7 хил турдаги қон таҳлилларини аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Кам инвазив технологиялар асосида даволаш ишларини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий бюджет маблағлари эвазига замонавий лапароскоп ва гистероскоп аппаратлари келтирилди. Бу билан беморларимизнинг Тошкент шаҳридаги марказларга бориши ва ортиқча оворагарчиликлари, харажат қилишларини олди олинди ва йилига 300 дан зиёд аёлларни шу жойнинг ўзида даволаш имконияти яратилди.

Шаҳар ва туман туғруқ комплексларида даволанадиган аёлларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун шошилинч чақирув бригадалари замонавий реанимобил билан таъминланиши ҳам кўзда тутилган бўлиб, натижада чақирувларга бориш ёки ҳомиладор аёлларни транспортировка қилишда йўл давомида узлуксиз тиббий ёрдам кўрсатиш шароити яратилмоқда.

Президентимизнинг юқоридаги фармони мамлакатимизда оналик ва болаликни мухофаза қилиш даражасини юқори босқичга олиб чиқиш имконини беради. Фармонда 2022 йилда республика бўйича 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан ўтказилишини таъминлаш белгиланган. Шунингдек, 2022-2025 йиллар давомида 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 105 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилиш кўрсатилган. Бундан ташқари, юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча 100 миллиард сўм ажратилади. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш учун Тиббий ва ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қўшимча 17 миллиард сўм йўналтирилади. 20 миллиард сўм маблағ эвазига барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги "Онконазорат" ("Cancer - назорат") аёллар кўрик хоналари тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий воситалар билан жиҳозланади. 9-12 ёшдаги 815 минг нафар ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш учун 200 миллиард сўм сарфланади.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши опа-сингилларимиз соғлиғини асрашда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Саломат МАТЯҚУБОВА,
вилоят перинатал маркази директори, тиббиёт фанлари доктори.